

## Қурайшнинг Ҳабашистонга элчи юбориши



16:13 / 23.12.2017 4133

Албатта, кўзда тутилаётган элчилик осон эмас эди. Шунинг учун ҳам қурайшликлар бу ишга яхши тайёргарлик кўрдилар ва элчилик вазифасига ораларидан энг етук кишиларни танладилар.

Элчилар икки кишидан иборат бўлиб, уларнинг бири Абдуллоҳ ибн Абу Робийъа, иккинчиси Амр ибн Осс эди.

Қурайшликлар ўз элчиларига Маккадаги энг яхши, нодир нарсаларидан Ҳабашистон подшоҳи ва унинг аъёнларига бериш учун ҳадялар тақдим қилишда сахийлик кўрсатишди.

Икки элчи Ҳабашистонга етиб борганларидан сўнг аввало, подшоҳнинг атрофидаги аъёнларни қўлга олдилар. Уларни ўзлари билан олиб келган ҳадялар ила рози қилдилар. Кейин эса Ҳабашистон подшоҳи –

Нажошийнинг қабулига кирдилар.

Салом-алиқдан сўнг элчилар Нажошийга таъзим бажо келтириб:

«Биздан баъзи бир эси паст ёшлар Подшоҳнинг юртига қочиб келдилар. Улар ўз қавмининг динини тарк қилганлар. Сизларнинг динингизга ҳам кирмаганлар. Улар ўзлари янги дин ихтиро қилганлар. Уни бизлар ҳам билмаймиз, сизлар ҳам билмайсизлар. Уларнинг улуғлари – оталари, амакилари ва қабиладошлари уларни қайтариб беришни сўраб, бизни сизнинг ҳузурингизга юбордилар», дейишди.

Подшоҳнинг аъёнлари ҳам дарҳол:

«Подшоҳимиз, булар тўғри сўзлайдурлар. Уларни қайтариб беринг», дедилар.

Нажошийнинг жаҳли чиқди. Уларнинг гапини қабул қилмади. Аввал мусулмонлар билан ҳам гаплашиб кўришга қарор қилиб, уларни олиб келиш учун одам юборди.

Шунингдек, ўзининг диний олимларини ҳам чақиришга амр берди. Ҳаммалари ҳозир бўлганларидан кейин Нажоший мусулмонларга қараб:

«Қавмингиздан ажраб, менинг динимга ҳам, бошқа миллатларнинг динига ҳам кирмай, ўзингиз кирган дин қандай дин?» деди.

Мусулмонларнинг бошлиғи Жаъфар ибн Абу Толиб Нажошийнинг бу саволига шундай жавоб берди:

«Эй подшоҳ! Биз жаҳолат аҳли бўлган қавм эдик. Бутларга ибодат қилар эдик. Ўлимтикларни ер эдик. Фаҳш ишларни қилар эдик. Қариндошлик алоқаларини узар эдик. Қўшничиликни ёмон қилар эдик. Кучлиларимиз кучсизларимизни ер эдик. Ана шундай бир ҳолатда эдик. Аллоҳ бизга ўз ичимиздан пайғамбар юборди. Биз унинг насабини, ростгўйлигини, омонатли ва ифбатли эканлигини билар эдик. У бизни Аллоҳга, У зотнинг ёлғизлигига иймон келтиришимизга, У зотга ибодат қилишимизга, У зотдан бошқа ўзимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган тошларни ва бутларни тарк қилишга даъват қилди. У бизни ростгўй бўлишга, омонатни адо қилишга, қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлашга, яхши қўшничилик қилишга, ҳаром ишлардан ва қон тўкишдан ҳазар қилишга буюрди. У бизларни фаҳш ишлардан, ёлғон сўзлашдан, етимнинг молини ейишдан, покиза аёлларга тухмат қилишдан қайтарди», деб, яна бир қанча

нарсаларни айтиб ўтди ва сўзида давом этиб:

«Биз уни тасдиқладик ва унга иймон келтирдик. Биз у Аллоҳдан келтирган нарсаларга эргашдик. Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилдик. У Зотга ҳеч бир нарсани шерик қилмадик. У зот бизга нимани ҳаром қилса, ўшани ҳаром билдик. У зот бизга нимани ҳалол қилса, ўшани ҳалол билдик. Шунда қавмимиз бизга адоват қилди. Улар бизни азобладилар. Улар бизни динимизда синовга учратдилар. Улар бизни Аллоҳ таолонинг ибодатидан бутларга ибодат қилишга қайтармоқчи бўлдилар. Авваллари ҳалол ҳисоблаб юрган ифлос нарсаларни яна ҳалол санашга қайтишимизни хоҳладилар. Улар бизга қаҳр, зулм ва тазйиқ ўтказиб, динимиздан тўсмоқчи бўлганларида сизнинг юртингизга чиқдик.

Эй подшоҳ! Бошқаларни қўйиб, сизни ихтиёр қилдик, сизга қўшни бўлишга рағбат қилдик. Сизнинг ҳузурингизда зулмга учрамасак керак, деб умид қилдик», деди.

Нажоший заррача ақли бор, заррача тафаккури бор, заррача инсофи ва заррача одамгарчилиги бор ҳар қандай одам боласини ларзага соладиган бу гапларни диққат билан тинглади ва Жаъфар ибн Абу Толибга:

«Сенда соҳибингиз Аллоҳдан келтирган нарсадан бирор намуна борми?» деди.

Жаъфар ибн Абу Толиб «Марям» сурасининг аввалидан тиловат қилиб берди. Тиловатни эшитиб, Нажошийнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилиб, соқолини ҳўл қилди. Унинг диний олимлари ҳам роса йиғладилар. Уларга Жаъфар ибн Абу Толиб айтган пурмаъно сўзлар ва улардан кейин тиловат қилинган оятлар қаттиқ таъсир қилган эди. Зотан, бу нарсалар таъсир қилмаган одамнинг одамийлиги шубҳали бўлиб қолиши турган гап.

Орага тушган сукунатни биринчи бўлиб Нажошийнинг ўзи бузди:

«Албатта, ушбу нарса ва Ийсо келтирган нарса бир мишкотдан (фонус турадиган токчадан) чиққандир», деди-да, Қурайш элчиларига:

«Сизлар бораверинглар! Аллоҳга қасамки, буларни сизга топширмайман!» деди.

Элчилар ҳам бўш келишмади. Уларнинг бири– Амр ибн Осс фитна қўзишга уриниб:

«Эй подшоҳ! Улар Ийсо ибн Марям ҳақида катта бўҳтон айтурлар!» деди.

Нажоший мусулмонларга қараб:

«Ийсо ибн Марям ҳақида нима дейсизлар?» деди.

Бу саволга мусулмонларнинг раҳбари Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу жавоб қайтариб:

«Биз унинг ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нима десалар, шуни айтамыз: у Аллоҳнинг бандаси, расули, руҳи ва калимасидир. У зот уни пок ва тақводор Марямга илқо қилгандир», деди.

Бу гапни эшитиб, Нажоший ерга энгашиб, бир чўпни олди-да, уни кўрсатиб туриб:

«Аллоҳга қасамки, Ийсо ибн Марям сен айтган нарсага мана шу миқдорича ҳам зиёда қилган эмас», деди.

Сўнгра мусулмонларга ширин сўзлар айтди ва улар омонликда эканликларини эълон қилди. Қурайш элчилари ноумид бўлиб, ортларига қайтдилар.

Муҳожир мусулмонлар Ҳабашистон ерида тинч-омон истиқомат қилдилар. Уларнинг ерлик аҳоли билан алоқалари яхши эди. Душман ҳужум қилганда мусулмонлар Нажоший аскарлари билан елкама-елка туриб, Ҳабашистон ерини босқинчилардан ҳимоя қилдилар.

Тарихчиларимизнинг таъкидлашларича, биринчи мусулмонларнинг ҳижрат қилиб, Ҳабашистонга етиб боришлари пайғамбарлик келганидан кейинги бешинчи санада бўлган.

Жаъфар ибн Абу Толиб ва баъзи шериклари еттинчи ҳижрий санагача Ҳабашистонда бўлганлар. Ўша санада Хайбар урушидан кейин Мадинаи Мунавварага қайтиб келганлар.

Бундан улар Ҳабашистонда ўн беш йил истиқомат қилганлари билинади. Албатта, улар мазкур муддатда ерлик аҳолини Исломга чақирган бўлишлари керак. Эҳтимол, ана ўша даъват таъсиридадир, ўша пайтда ҳабашистонлик насоролар гуруҳи Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганлар.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)*